

АТЛАСЛИ ЎРИЛИШЛИ МАТОЛАР ТАҲЛИЛИ

М15-16 гуруҳи магистранти М. Камолхужаева,
Илмий раҳбар т.ф.д.,проф. С.А.Хамраева
Болқиев С.Х

Мақолада атлас ўрилишли матоларнинг тузилиши таҳлили келтирилган. Бунда атлас ўрилишли матоларнинг тузилиши параметрлари берилган бўлиб, турли таркибдаги ва ўрилишдаги матоларнинг тажриба синов натижалари келтирилган.

В статье приведена анализ строения тканей атласного переплетения. Дано параметры строения тканей атласного переплетения и приведено результаты испытания разнно структурных и разнно переплетающих атласных тканей.

The article gives an analysis of the structure of the fabrics of the atlas weave. The parameters of the structure of the fabrics of satin weave are given and the results of the test of various structural and differently weaving satin fabrics

Атлас ўрилишлар якка қопламларга эга бўлиб, улар раппортнинг бутун майдони юзаси бўйлаб бир текис жойлаштирилган $R_m = R_a = R_u > 5$.

Бундан ташқари силжиш $S \neq 1$ ва $S \neq R - 1$.

Сатин ва атлас ўрилишлар каср билан белгиланиб, унинг суратида Р раппорт, махражда эса – силжиш С. Раппорт ва силжиш бутун сонлар билан ифодаланиши ва умумий бўлувчига эга бўлмаслиги керак. шунинг учун, агар $P = 5$ бўлса, $C = 2, 3$; агар $P = 7$ бўлса, $C = 2, 3, 4, 5$. Бунда $P = 8$ $C = 3, 5$ ва ҳоқазо.

Атлас ўрилиш мато ўнг томонида узун танда қоплашларини ҳосил қилади ва $P_m > P_a$, якка арқоқ қоплашлари раппорт юзасида текис жойлашган. Атлас ўрилишни тузишда C_T вертикал силжишини ҳисобга олиш керак, шунинг учун атлас ўрилишни ифодаловчи каср

5					
4					
3					
2					
1					
	1	2	3	4	5

Атлас 5/2

7							
6							
5							
4							
3							
2							
1							
	1	2	3	4	5	6	7

Атлас 7/3

8								
7								
6								
5								
4								
3								
2								
1								
	1	2	3	4	5	6	7	8

Атлас 8/3

суратда раппорт, м ахражда эса C_T силжиши [1].

1- расм. Атласли ўрилишлар.

Берилган ўрилишлар силжиш катталигин танлашда мато иплари силжишнинг олдини олиш учун ҳар бир ип якка қоплашлари олдинги ип узун қоплашининг ўртача яқинроққа жойлашин кузатиш керак. Шунинг учун $P = 7$ ли атлас ёки сатин ўрилиш учун $C = 3$ ёки $C = 4$ энг яхши 10 – а, б расмларда акс эттирилган сатин ва атлас ўрилиш расмини тузишда доимий катталиқдаги силжиш ишлатилади. Бу ҳолда сатинлар ва атласлар тўғри

деб аталади. баъзан мато ишлаб чиқаришда ўзгарувчан силжиш қўлланади. Унда нотўғри сатинлар ҳосил бўлади.


Атлас ўрилишли матолар ишлаб чиқишда танда ипларини шодаларга қаторлаб ўтказиш қўлланади. Пневматик ва гидравлик атлас ўрилишли матолар ҳомуза ҳосил қилишда кўтарилувчи шодалар сонини камайтириш учун ўнг томоннинг пастга қилиб ишлаб чиқилади. Атлас ўрилишлар тўқимачилик саноатининг ҳамма соҳаларида мато ишлаб чиқиш учун қўлланади [1].

Турли таркибдаги ва ўрилишдаги матоларнинг тажриба синов натижалари


1-жадвал

Тр.	Кўрсаткичлар	Асбоб Русуми	8/3 ўрилишли атлас	7/4 ўрилишли атлас	5/2 ўрилишли атлас	Ўлчов бирлиги
1.	Тола таркиби: Танда Арқоқ	-	67% пахта 33% ипак	50% ипак 50% пахта	75% пахта 25% ипак	%
2.	Ўрилиши	-	Атлас	Атлас	Атлас	-
3.	Газламанинг эни	-	35	40	40	см
4.	Газламанинг қалинлиги	Толшиномер	0.18	0.18	0.21	мм
5.	Газламани ташқил этувчи ипларнинг чизикли зичлиги: Танда Арқоқ	ХМ-3 тарози	42 11	41 7	41 6	текс
6.	Сирт юза зичлиги	ГХ-400	1.45	1.35	1.42	гр
7.	Ҳаво ўтказувчанлиги	АП 360-СМ	3.83	4.91	2.32	sm^3 $/ sm^2sek$
8.	Матонинг ишқаланиши	М235/3	980	920	800	секунд
9.	Ранг муштаҳкамлиги	АР-2	3	4	4	балл

Синов натижаларидан атлас матоларининг таркиби аниқланди. Жадвалдаги қийматларга ко`ра тандаси 67% пахта ва арқоғи 33% ипак аралашмали 8/3 атлас ўрилишдаги мато, 50% ипак ва 50% пахта аралашмали 7/4 атлас ўрилишдаги мато ва тандаси 75% пахта ва арқоғи 25% ипак аралашмали 5/2 атлас ўрилишидан иборат. Қалинлиги бо`йича бошқа ҳар бир газламанин 3 томонида ўлчаниб уларнинг ўртачаси аниқланди. 5/2 атлас ўрилишили мато энг қалин мато эканлиги синов йўли билан аниқланди.



1-расм.Газламанинг сирт юза зичлиги бо`йича гистограмма



2-расм.Газламанинг ишқаланиши бўйича гистограмма

Газламаларнинг бикрлик кўрсаткичи ПТ-2 ускунасида газлама намуналарига қотирма матосиз ва қотирма мато билан текширилди. Синов натижалари жадвалда келтирилган.

Адабиёт:

Мартынова А.А. Строение и проектирование тканей. РГТУ, М.: 2010.- с.